

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Хакимова Мухаббат Файзиевна

ТДИУ “Инновацион таълим” кафедрасининг мудири, н.ф.д., профессор

Темиров Ортиқ Суюнович

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Бегматов Давлатжон Ибадуллаевич

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириши, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши долзарб масалалардан биридир.

Annotation

Rapid development of economic sectors and social sphere of our country, determination of priorities for regular reform of science in the future, training of highly qualified personnel with modern knowledge and independent thinking, modernization of scientific infrastructure to a new level in terms of quality are among the urgent issues.

Аннотация

Среди них стремительное развитие отраслей экономики и социальной сферы нашей страны, определение приоритетов планомерного реформирования науки в будущем, подготовка высококвалифицированных кадров, обладающих современными знаниями и независимым мышлением, модернизация научной инфраструктуры на качественно новый уровень. неотложные вопросы.

Калит сўзлар

Тармоқлари, ижтимоий, соҳани, илм-фан, инфратузилма

Keywords

Networks, social, industry, science, infrastructure

Ключевые слова

Сети, социальные, промышленность, наука, инфраструктура

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш долзарб масалалардан биридир.

Бугунги таълимни рақамлаштириш шароитида мамлакатимиз эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил - инсон омили экани, тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши, ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан хурмат-эхтиром, ғуур-ифтихор ҳисси билан яшashi, тарихий хотира ва авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусининг узвий боғлиқлиги, мамлакатимизда 2023 йилни **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим”** деб эълон қилиниши ҳам инсон омили, таълимга бўлган эътиборнинг амалий ифодаси эканлиги ҳаммамизга сир эмас.

Замонавий индустрисал дунёга қўшилишга интилиш жадал ўзгариб бораётган меҳнат бозори эҳтиёжларига тез мослашишга қодир рақобатбардош кадрларни етишириш, ўз навбатида, олий таълим тизимида инновацияларни киритишни талаб қилмоқда. Глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг келажагини ташаббускор, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълимнинг барча бўғинлари ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳар томонлама замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларига мос келадиган таълимий ахборот инфратузилмасини, таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини, замонавий талаблар асосида дидактик таълимий воситаларини тубдан янгилаш ишларини такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг касбий ва таянч компетенцияларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича қатор илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар назарий ва амалий таълим-тарбия жараёнини талаба шахсидаги мавжуд сифатлар ривожига йўналтириш, инновацион методлар ва ривожлантирувчи технологияларни, таълим мазмунини долзарб билимлар билан бойитиш, самарали муаллифлик ифода қилинган таълим технологияларини дарс жараёнида кенг кўллаш имкониятини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида илғор давлатлар қаторидан ўрин олиши, жамиятимиз тараққиёти, амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси кўп жиҳатдан давр талабларига жавоб бера оладиган, замонавий билимлар билан қуролланган юқори малакали кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда, олий таълим муассасаларининг мустақиллиги ортиб бораётган бир шароитда, бевосита халқаро қонун меъёрларига асосланиш имконияти юзага келмоқда. Бундай бошқарув амалиёти инновацион ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Таълим тизимида инновацияларнинг моҳияти замонавий, ҳар томонлама етук, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва уларни тарбиялашга нисбатан янгича ёндашувларни ишлаб чиқиши ва амалиётда қўллаш билан тавсифланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақами иқтисодиёт шароитида таълим муассасалари фаолиятини хорижий тажрибаларга таянилган ҳолда оқилона бошқариш, замонавий инновацион таълим технологиялари имкониятлари нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда талabalарнинг касбий сифатларини ривожлантириш, юқори салоҳиятга эга билимли, малакали, маданиятли кадрларни тарбиялаш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меърий асослари яратилмоқда.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари юқори бўлган дунё мамлакатлари ўз вақтида мамлакат ёшлирининг таълим-тарбияси ҳамда илм-фан ривожига давлат

бюджетидан ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори даражадаги маблағларни ажратган. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда давлат бюджетининг 60 фоиздан ортиқ маблағлари айнан ижтимоий соҳалар ривожига йўналтирилмоқда. Жумладан, таълим тизимиға ажратилаётган маблағларнинг юртимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони орқали 2025 йилга қадар илм-фангага йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушкини **6 бараварга**, 2030 йилгача эса **10 бараварга** ошириш белгилаб берилди. Бунинг натижасида қисқа фурсатда мамлакатимиз илм-фани соҳасига замонавий технологиларни жорий қилиш, ёш авлоднинг илмий-инновацион фаолият юритишини тўлақонли қўллаб-куватлаш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш, 2025 йилга қадар 39 ёшгacha бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонида юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушкини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш белгилаб берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги глобаллашув шароитидаги долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини ўрганиш бўлиб, у бўлажак мутахассисларнинг касбий сифатларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлик. Шу тариқа меҳнат бозорида фаолият олиб бораётган етук мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни чукур ўрганиш, таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини амалга ошириш, талабаларни касбий салоҳиятга эга жамоаларда тарбиялаш, инновацион технологиялар ривожланишининг янги усувларини ўрганишга йўналтириш, малакали, иқтидорли мутахассисларни таълим жараёни ва педагогик фаолиятга жалб этиш ҳамда амалиётни аниқ мақсадлар асосида ташкил этиш масалалаларига эътибор қаратиш асосий ўрин эгаллайди.

Бугунги замонавий глобаллашув шароитида талаба-ёшларни интеллектуал ривожланишини таъминлашга қаратилган электрон ўқув-методик ресурсларни шакллантириш, таълим сифатини оширувчи механизмларни яратиш, олий таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кредит-модуль тизими асосида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларида мустақил таълим олиш имконини берувчи матнли контент, аудио, видеоматериаллар, таълим берувчи педагоглар функцияларини тўлиқ тақрорлай оловчичи сунъий интеллект элементларини қўллаш, таълим оловчиларнинг исталган жойдан масофавий таълим ресурсларидан фойдалана олишлари учун имкониятларни кенгайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги давр талабидан келиб чиқиб, барча соҳаларга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли Ўзбекистон – 2030 дастурини жорий этиш мақсадида кўплаб олий таълим муассасаларига таълим жараёнини автоматлаштириш вазифалари қўйилмоқда. Бу ҳаракатлар авваламбор, ушбу соҳада кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш, фанлар бўйича яратилаётган ахборот таълим ресурслари ҳамда методик таъминотни ягона тизимга солувчи, портал технологияларига асосланган ахборот-методик тизимни ишлаб чиқиши талаб этади.

Шунингдек, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда “олий таълим қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш” каби муҳим вазифалар белгиланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиёт олий таълим муассасалари талабаларини ўқитишида яхлит ва тизимли интегратив билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва билимларини амалий фаолиятга татбиқ этиш ҳамда бўлажак мутахасисларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади ва республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ва хукуқий ислоҳатларнинг якуний натижалари иқтисодиёт тармоқларининг барча жавҳаларида, шунингдек инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлашда ҳам ўз аксини топмоқда.

Шунинг учун ҳам таълимдаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилаяпти. Ҳозирги шароитда ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб этиши ва уни амалиётда таълим муассасаларининг инновацион жараёнларига қўшилишидаги аҳамиятини англаб этиши ҳамда яратиш имкони мавжуд бўлган инновациян майдонда ўзини кўриш ва энг муҳими, янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда иқтисодиётга йўналтирилган олий таълим муассасаларида бўлажак иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади, чунки у замонавий иқтисодий таълимнинг аҳволини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, унинг узлуксиз касб таълими тизими билан уйғунлаштириш ва самарали дидактик ривожланишини башорат қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Ҳозирги давр ўқув машғулотларини таълим олувчиларни мустақил ва эркин фикрлашга йўналтирадиган ўқитиши технологиялари ва интерфаол усуулларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни уларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратишни тақозо этмоқда. Таълим сифатини ошириш, фан ва технологиянинг энг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш асосида ижодкор, касб-хунарли, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, ташаббускор ва тадбиркор, ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ёшларни тайёрлаш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади. Бу ўз навбатида таълим жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишини тақозо этади. Уларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки, уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология кутилган натижани бермайди.

Бугунги кунда талаба шахсини таълим мақсади таълим олувчининг шахсига хос сифатларни таркиб топтиришни ўз ифодасини топади. Шунинг учун инновацион таълим шароитида юқори касбий салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш олий таълим тизими олдида турган асосий масаладир. Кўпгина хориж таълим тизимида билим беришга асосланилган ёндашувдан кўра компетентлик ёндашувига ўтиш самараси кузатилади. Мазкур ёндашув эгалланган илмий, назарий билимлардан шахснинг ривожланиши, ижтимоийлашиши ва иқтидо-

рининг қай йўсинда такомиллаштиришни кўрсатишга асосланганилиги билан изоҳланади.

Сўнгги пайтларда талабаларнинг касбий сифатларини ривожлантириш масаласи ўқитиши жараёнида таълим мазмунини ўзлаштиришнинг стандарт бўйича натижаси қандайлигини ифода этувчи кўрсаткичларни акс эттириши ва шахсий фаолият давомида маданий ва умумбашарий хусусиятларнинг эффициента ўз аксини топади. Шунинг учун бу вазифа талаба ёшларнинг ўз танлаган касби бўйича фаолият олиб боришида, жамиятда ижтимоий фаол шахс сифатида ўз мавқеини эгаллашига оид муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб саналмоқда. Бунинг учун мутахассисда турли йўллар билан, хусусан, мустақил билим олиш: таълим муассасасидан ташқарида ҳам билим олиш; ижтимоий-мехнат сифатлари: ўз соҳасига тегишли меҳнат бозоридаги ҳолатларни таҳлил қила билиш, профессионал потенциалини муносаб баҳолаш, ижтимоий муносабатлардаги ахлоқ меъёрларига риоя қилиш каби фаолияти турлари белгиланган.

Техника ва технологиялар жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ОТМларда мутахассислар қўйидаги кўникма ва шахсий сифатларга эга бўлиши керак:

- ҳаётда ўз ўрнини топа олиши учун керакли билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан амалий фаолиятида турли муаммоларни ҳал этишида моҳирона фойдаланиши, ўзгарувчан вазиятларга тез мослаши;
- мустақил равишда танқидий мушоҳада юритиши, ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан кўра билиш ва уларни ҳал этишида замонавий технологияларни қўллай олиш, янги гояларни амалга ошириш, ижодий фикрлаш қобилияти;
- ахборот билан ишлай билиш (*тадқиқот* учун керакли масалалар, далилларни йигиши ва таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал этишида фаразларни қўя олиш, зарур ахборотларни умумлаштириш, бир-бирига ўхши ёки муқобил вариантларини таққослаш, статистик қонуниятларни аниқлаш, асосланган хуносалар чиқарии ҳамда улар асосида янги муаммоларни аниқлаш кўникмаси ва бошқалар);
- турли ижтимоий групкалар билан мулоқотга киришиши, ҳар хил зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятлардан чиқиб кета олиш, турли соҳаларда ҳамжисҳатлиликда ишлай олиш қобилияти;
- шахсий, ахлоқий, интеллектуал ва маданий сифатларини ривожлантириши борасида мустақил ишлаш кабилар.

Хуносалар

Мамлакатимиз таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш мақсадида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлаш компетенцияларига эга юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, комьютер ва рақамли технологиилар соҳасида чуқур билим ва компетенцияларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш, таълимни рақамлаштириш шароитида келажакдаги касбий фаолиятга доимий ёндашув асосида таълим сифатини ривожлантиришнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари орқали талабалар ўрганаётган жараённинг умумий

ғоясини акс эттирувчи унинг асосий компонентларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш замон талабидир.

Юқоридагилар асосида қуйидаги **тавсияларни** беришни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

✓ Олий таълимда юзаки таълим бериш тизимидан чекиниш ва таълим сифатини назорат остига олишда инсон омилини қисқартириб, соҳага замонавий технологиялардан фойдаланишини тўлиқ амалиётга жорий этиш;

✓ Таълим сифатини хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда хориждаги етакчи мутахассисларни Ўзбекистондаги таълим назорати жараёнларига жалб этишини таъминлаш;

✓ Республикаизда мавжуд олий таълим муассасаларини инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айлантириш, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклифларни киритиш борасида юқори малакага эга профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

✓ Таълим беришнинг кредит-модул тизими шароитида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув юкламасини қайта кўриб чиқиш, меҳнатни меъёрлаштиришда иш вақтининг фақат ўқув ишларига асосланган ҳолда мустақил амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиёtlар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637 сонли “Таълим тўғрисида”ги Конуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириши концепциясини тасдиqlashi тўғрисида” Фармони.

4. Muhabbat H., Bazarova U. M., Mirzaeva M. N. Opportunities for innovation technologies in higher education //International journal on integrated education (IJIE) Indonesia. – 2020. – №. 12.

5. Хакимова М. Ф. Ахборот таълим муҳитида инновация ва рақамли технологияларнинг жорий этилиши //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. NUU Conference 1. – С. 149-152.

6. Xakimova M. Таълим муассасаларига инновацияларни киритишнинг зарурлиги //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.

7. Hakimova Opportunities of innovation technologies in higher education//Архив научных исследований. – 2021.

8. Xakimova M. Таълим муассасаларига инновацияларни киритишнинг зарурлиги //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.

9. Xусайнов Р.Р. Олий таълимда фанларни ўқитиши сифатини оширишида мустақил таълимнинг роли. // Ж. Замонавий таълим.–Т.,2016. –№4.–Б.25